ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 282 2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида

Атроф-муҳитнинг мақбул ҳолатини таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларида барқарор ривожланишнинг экологик асосларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури ва уни амалга ошириш тадбирлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмита-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga



сига 2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини бажариш тадбирларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш юклансин.

3. Мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирларнинг масъул ижрочилари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритиш учун мазкур қарор билан тасдиқланган тадбирлар юзасидан ҳар йили таклифлар киритсинлар;

2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2013 йил 27 май,
142-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 27 майдаги 142-сон қарорига
1-ИЛОВА

## 2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар ДАСТУРИ

### I. Асосий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасида кўп қиррали иқтисодиёт ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари, умуман олганда, барқарор ривожланиш тамойиллари бўлиб, улар доирасида биринчи даражадаги муҳим вазифа ижтимоий ва бошқа соҳаларда сиёсат билан яқин интеграцияда изчил амалга ошириладиган макроиқтисодий режалаштиришнинг табиат муҳофазаси сиёсати билан мақбул уйғунлигидир. Республиканинг экологик сиёсати табиатнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилишдан экологик тизимларни умумий муҳофазасига ўтишни амалга оширишга, инсон яшаш муҳитининг мақбул кўрсаткичларини кафолатлашга ва ўзаро алоқани иқтисодиёт тармоқларини «яшил иқтисодиёт» тамойилларига асосан ривожлантириш механизмлари билан уйғунлаштиришга йўналтирилган.



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga



2. Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар миллий дастурида (АММҲМД, 1998 й.) асосий вазифа — устувор экологик муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш воситаларини танлаш ва тегишли ташкилий ва махсус ўзгаришлар амалга оширилишини назарда тутувчи, мамлакатнинг барқарор ривожланиш йўлига ўтишига шарт-шароитлар яратиш учун республиканинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида умумий стратегияни шакллантиришдан иборатдир.

3. Ушбу Дастур АММҲМД асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистонда иқтисодийислоҳотларни экологик жиҳатдан биргаликда олиб бориш борасидаги табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва мамлакатни барқарор ривожлантириш мақсадларига эришишга қаратилган.

## II. Мазкур Дастурнинг мақсади ва вазифалари

4. Ушбу Дастур атроф-муҳит ҳолатининг кафолатланган сифатли даражасига эришиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатдан фойдаланиш бошқарувини такомиллаштириш ва самарали иқтисодий усулларини татбиқ қилиш, атроф-муҳит устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик илм-фанни олға суришга ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълимни жорий қилишга, экологик билимларни кенг тарғиб қилишга, шунингдек экологик маданиятни оширишга ёрдам берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида ишлаб чиқилган.

5. Ушбу Дастурнинг 4-бандида назарда тутилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

табиий ресурслардан, шу жумладан сув, ер, минерал-хом ашё ва биологик ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш;

ишлаб чиқаришда экологик тоза технологияларни жорий этиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳисобига ҳаво муҳити, сув ва ер ресурсларининг ифлосланишини босқичма-босқич камайтириш;

атроф табиий муҳитни мунтазам баҳолаш ва унинг ижтимоий-экологик ҳолати прогнозини тузиш учун атроф табиий муҳит мониторинги механизмини такомиллаштириш;

экологик офат минтақасида — Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларидаги экологик ҳолатни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги канализация тармоқлари тизимлари ва тозалаш иншоотларини яхшилаш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасида илмий-техник салоҳиятни ривожлантириш ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тармоқларини ривожлантириш ва кенгайтириш;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga



атроф табиий муҳит муҳофазаси, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим, шунингдек экологик билимларни тарғиб қилиш соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий асосни такомиллаштириш;

экологик муаммоларни ҳал этишда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш.

## III. Ушбу Дастурни амалга оширишнинг асосий йўналишлари

6. Ушбу Дастурни бажариш қуйидаги бешта асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

аҳоли ва давлат учун яшаш муҳити ва экологик хавфсизлик даражасининг кафолатланган ва қулай шарт-шароитларини яратиш;

иқтисодиёт тармоқларини экологизациялаштириш, технологик жараёнларни ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш;

атроф-муҳитнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш;

атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш ва табиий муҳитни трансчегаравий ифлосланишининг олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### *3.1. Аҳоли ва давлат учун яшаш муҳити ва экологик хавфсизлик даражасининг кафолатланган ва қулай шароитларини яратиш*

7. Қуйидагилар аҳоли ва давлат учун яшаш муҳити ва экологик хавфсизлик даражасининг кафолатланган ва қулай шароитларини яратишдаги асосий вазифалар ҳисобланади:

экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда экотизимларни барқарорлаштириш ва уларни тиклаш;

атроф-муҳитнинг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ташламалари ва оқовалари билан ифлосланиш даражасини камайтириш;

аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш;

атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ишончли маълумот билан таъминлаш;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш.

8. Ушбу Дастурнинг 7-бандида назарда тутилган асосий вазифаларни бажариш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон-мелиоратив тадбирларини амалга ошириш орқали Оролбўйини экологик соғломлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг йирик шаҳарлари ва



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga



аҳоли пунктларида сув қувурлари тармоқларини ривожлантириш орқали аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш;

автомобиль ва темир йўл транспорти воситаларидан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташламаларини ва оқова сувни тозалаш канализация иншоотларини реконструкция қилиш ҳисобига сув объектларига оқовалар оқизилишини камайтириш;

мавжуд муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва янгиларини ривожлантириш, геологик табиий ёдгорликларни хатловдан ўтказиш, Устюрт текисликларидаги сайғоқлар популяциясини сақлаш тадбирларини ишлаб чиқиш;

ўсимлик дунёси давлат кадастри юритилишининг асоси сифатида, Ўзбекистоннинг ўсимлик дунёси генофондини баҳолаш.

### *3.2. Иқтисодиёт тармоқларини экологизациялаштириш, технологик жараёнлар ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш*

9. Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш ва реконструкциялаш, экологик тоза ва ресурсларни тежайдиган технологияларни, шу жумладан қайта тикланувчан энергия манбаларини татбиқ қилиш орқали атроф-муҳитга таъсирни камайтириш ва табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш самарадорлигини ошириш иқтисодиёт тармоқларини экологизациялаштириш, технологик жараёнлар ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидир.

10. Ушбу Дастурнинг 9-бандида кўрсатилган асосий вазифаларни бажариш қуйидаги тадбирларни рўёбга чиқариш орқали амалга оширилади:

кон-металлургия ишлаб чиқаришида экологик жиҳатдан асосланган, кам чиқитли технологияларни жорий қилиш, табиий муҳитнинг ифлосланишини камайтириш тадбирлари комплексини амалга ошириш;

газ-кимё комплекси корхоналарида тўғридан-тўғри оксидлаш усули билан олтингугурт олишнинг мавжуд технологиясини модернизациялаш;

нефть ва газ қазиб олиш объектларида йўлдош газларни утиллаштириш қурилмасини барпо этиш;

иссиқлик электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш жараёнларида энергия самарадорлигини ошириш ва буғ-газ қурилмаларини жорий этиш ҳисобига атмосферага ифлослантирувчи моддалар ташламаларини қисқартириш;

пахта тозалаш корхоналарида, тиббиёт ва таълим муассасаларида энергиянинг қайта тикланувчан, экологик тоза манбаларини жорий этиш.

### *3.3. Атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш*

11. Қуйидагилар атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga



чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш соҳасидаги асосий вазифалар ҳисобланади:

ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндиларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш ва уни бартараф этиш;

бузилган ерларни рекультивациялаш;

заҳарли чиқиндили кўмилма ва полигонларни реабилитациялаш;

собиқ уран конларидаги экологик вазиятни соғломлаштириш.

12. Ушбу Дастурнинг 11-бандида кўрсатилган асосий вазифаларни бажариш учун қуйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади:

Наманган ва Тошкент вилоятларининг собиқ уран конлари ҳудудларидаги экологик вазиятни соғломлаштириш;

кон-металлургия тармоғи объектларидаги заҳарли чиқиндилар сақлагичларини реабилитациялаш;

Навоий ва Бухоро вилоятларидаги кон-металлургия тармоғи объектларидаги бузилган ерларни рекультивациялаш ва улардан фойдаланиш;

махсус полигонларда заҳарли кимёвий ва токсик моддалар кўмилган жойлардаги ерларни рекультивациялаш орқали экологик вазиятни соғломлаштириш;

иссиқлик электр станцияларида ҳосил бўладиган кул-шлакли чиқиндиларни утиллаштириш технологиясини ишлаб чиқиш;

таркибида симоб моддаси бўлган лампа ва асбобларни демеркуризациялаш.

### *3.4. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш*

13. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим соҳасида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишни назарда тутади:

атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базаларни ривожлантириш;

табиатдан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаларини такомиллаштиришни ва экологик назоратни амалга ошириш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларидаги таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик муаммоларни ҳал этишга жамиятнинг турли қатламларини жалб этиш, экологик билимларни тарғиб қилиш.

14. Мазкур Дастурнинг 13-бандида кўрсатилган асосий вазифаларни рўёбга чиқариш қуйидаги асосий тадбирларни бажариш орқали амалга оширилади:

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga



ликаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш;

атмосфера ҳавоси таркибидаги майда дисперсли қаттиқ заррачалар (РМ10 ва РМ2,5)ни аниқлаш услуби бўйича меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш;

экологик сертификатлаш тизимида дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим бўйича ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тизими ҳамда экологик хизмат кўрсатувчи-меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ташкилотлар ходимларининг касбий малакаларини ошириш бўйича ўқув-услубий марказлар ташкил этиш;

«Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби»нинг навбатдаги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» китоб-фотоальбоми ва шу кабиларни тайёрлаш ва нашр этиш.

### *3.5. Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш ва табиий муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишининг олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш*

15. Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш ва табиий муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишининг олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият билан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномалар талабларини бажариш доирасидаги ўзаро ҳаракатлари самарадорлигини ошириш;

глобал ва минтақавий экологик муаммоларни ҳал этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган механизмларни амалга ошириш.

16. Ушбу Дастурнинг 15-бандида кўрсатилган асосий вазифаларни бажаришга эришиш тегишли халқаро анжуманлар, дастур ва лойиҳаларда иштирок этиш, халқаро (давлатлараро) шартномаларни, хусусан қуйидагилар орқали таъминланади:

биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режасининг янги таҳририни тайёрлаш;

БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборотини тайёрлаш;

кимёвий моддаларни халқаро тартибга солишга Стратегик ёндашувни жорий қилиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг Турғун органик ифлослантирувчилар тўғрисидаги Конвенцияга, Ҳавонинг катта масофаларга трансчегаравий ифлосланиши тўғрисидаги Конвенцияга ва БМТ ЕИКнинг Атроф-муҳитга трансчегаравий жиҳатдан таъсир кўрсатишни баҳолаш тўғрисидаги Конвенциясига қўшилишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани асослаш;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga



Ўзбекистон томонидан Минг йиллик Ривожланиш Мақсадларига эришиш бўйича тадбирларни бажариш;

Майли-Сув, Шоҳимардонсой дарёлари ҳавзаларида жойлашган ишлаб чиқариш чиқиндилари сақлагичлари ва «Тожикистон алюминий компанияси» ва бошқаларнинг трансчегаравий таъсир билан боғлиқ муаммолар бўйича ҳамкорлик ўрнатиш.

## IV. Ушбу Дастурни амалга ошириш механизми

17. Ушбу Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади, у:

масъул ижрочилар билан биргаликда моддий-техника ресурслари, технологик салоҳият ва бошқа шу каби омиллар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Дастур тадбирларига аниқлик ва тузатишлар киритишни ўрганиб чиқади ва таклифлар тайёрлайди;

ушбу Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган молиявий маблағлар ва моддий ресурслардан фойдаланиш мониторингини амалга оширади;

мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш механизми, услуби ва шартларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

ушбу Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилади ва йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этади.

18. Мазкур Дастурда назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш ҳажмларига, унинг манзилли қисми тегишли календарь йил учун шакллантирилаётганда, Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар йили аниқлик киритилади.



WWW.LEX.UZ

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 27 майдаги 142-сон қарорига
2-ИЛОВА

# 2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини амалга ошириш ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Кафолатланган ва қулай яшаш муҳити шароитларини ҳамда аҳоли ва давлат учун экологик хавфсизлик даражасини яратиш** | | | | | |
| 1. | Орол денгизининг қуриган тубидаги 80 минг гектар майдонда ўрмон мелиоратив тадбирларини ўтказиш йўли билан Оролбўйидаги экологик ҳолатни соғломлаштириш. | 2013 — 2017 йиллар | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги | Ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағлари | Иҳота-ўрмон ҳудудларини барпо этиш, туз-чанг кўчишини камайтириш, биохилма-хилликни тиклаш. |
| 2. | Географик ахборот тизимларини (ГАТ технологияларини) қўллаган ҳолда атроф табиий муҳит ҳолати давлат мониторингининг интеграциялашган ахборот базасини ташкил этиш. | 2013 — 2017 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 200,0 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 30 млн сўм;<br>2014 йилда — 35 млн сўм;<br>2015 йилда — 40 млн сўм;<br>2016 йилда — 45 млн сўм;<br>2017 йилда — 50 млн сўм. | Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 октябрдаги 292-сон қарорига мувофиқ ГАТ технологияларини татбиқ этиш орқали атроф табиий муҳит ҳолати давлат мониторингининг ахборот базасини ривожлантириш. |
| 3. | 2013 — 2015 йиллар даврида «Тожикистон алюминий компанияси» ДУКнинг салбий таъсирларига дучор бўлган Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларида атроф табиий муҳит ифлосланишининг комплекс мониторингини олиб бориш. | 2013 — 2015 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Ўзгидромет» маркази | Вазирликлар ва идоралар — масъул ижрочиларнинг, шу жумладан: Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 35 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 10 млн сўм;<br>2014 йилда — 10 млн сўм;<br>2015 йилда — 15 млн сўм. | Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош туманларида атмосфера ҳавосининг, ер усти ва ер ости сувларининг, ичимлик сув манбаларининг, тупроқнинг ифлосланиши, қишлоқ хўжалиги экинлари, шунингдек, истиқомат қилувчи аҳолининг саломатлиги ҳолатини комплекс кузатиш. |





WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga



| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | «Ўзгидромет» марказининг радиоактив ифлосланиш мониторинги лабораторияларини техника билан қайта жиҳозлаш. | 2013-2014 йиллар | «Ўзгидромет» маркази | Атом энергияси бўйича халқаро агентлик маблағларидан 139,305 минг евро, шу жумладан:<br>2013 йилда — 97,395 минг евро;<br>2014 йилда — 41,910 минг евро. | Атмосфера ҳавосининг радиоактив ифлосланиши тўғрисида янада аниқ ва ўз вақтида тезкор ахборотни олиш учун мониторинг тизимининг техник салоҳиятини ошириш. |
| 5. | Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар — чучук ер ости суви конлари ҳосил бўлиш ҳудудларининг картографик асосини яратиш. | 2013 — 2017 йиллар | «ГИДРОИНГЕО институти» ДК, Давлат геология қўмитаси | Ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан жами 1200 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 150 млн сўм;<br>2014 йилда — 185 млн сўм;<br>2015 йилда — 255 млн сўм;<br>2016 йилда — 270 млн сўм;<br>2017 йилда — 340 млн сўм. | Чучук ер ости суви конлари ҳосил бўлиш ҳудудларининг замонавий геоэкологик ҳолатини баҳолаш ва харитасини тузиш ҳамда сув муҳофазаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. |
| 6. | Фарғона водийсининг адир ҳудудларидаги янги суғориладиган ерларнинг чучук ер ости суви конларининг ҳолатига таъсирини баҳолаш. | 2015 — 2017 йиллар | «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси | Ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан 650 млн сўм, шу жумладан:<br>2015 йилда — 200 млн сўм;<br>2016 йилда — 200 млн сўм;<br>2017 йилда — 250 млн сўм. | Фарғона водийсида фойдаланилаётган чучук ер ости сувлари конларида сувнинг сифатли таркибини сақлаб қолиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. |
| 7. | Сув тақчил йилларда Оролбўйи аҳолисининг хўжалик-ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун Амударё этакларида гидрогеоэкологик изланишлар олиб бориш. | 2013 — 2017 йиллар | «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси | Ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан 700 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 30 млн сўм;<br>2014 йилда — 170 млн сўм;<br>2015 йилда — 300 млн сўм;<br>2016 йилда — 150 млн сўм;<br>2017 йилда — 50 млн сўм. | Оролбўйи аҳолисининг марказлаштирилмаган сув таъминотини ташкиллаштириш учун чучук ва кам шўрланган ер ости сувлари манбаларини аниқлаш. |
| 8. | Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг муқобил сув таъминоти манбаси сифатида Амударё қуйи оқимида ва Жанубий Оролбўйи артезиан ҳавзасида канал бўйларида аниқланган чучук сув линзалари захираларининг ахборот-картографик маълумотлар базасини яратиш. | 2013 — 2017 йиллар | «Гидроминерал ресурслар геологияси» илмий-ишлаб чиқариш маркази давлат корхонаси | Ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан 900 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 350 млн сўм;<br>2014 йилда — 160 млн сўм; | Каналлар ва дарё ўзани бўйидаги чучук ер ости сувлари линзаларини реабилитация қилиш ва аҳолини қўшимча ичимлик сув билан таъминлаш учун Жанубий-Оролбўйи артезиан ер ости сувлари ҳав- |



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga





| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2015 йилда — 300 млн сўм;<br>2016 йилда — 45 млн сўм;<br>2017 йилда — 45 млн сўм. | засининг мел даврига мансуб сувли қатламларидан фойдаланишни мақбуллаштириш. |
| 9. | Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари аҳолисининг хўжалик-ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун Дамхўжа сув ўтказгичини қайта таъмирлаш. | 2013 — 2016 йиллар | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари ҳокимликлари | Осиё тараққиёт банки маблағларидан 11,83 млн АҚШ доллари | Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш. |
| 10. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ–1446-сон қарорига мувофиқ қуйидаги шаҳарлардаги канализация тизимларини яхшилаш:<br>Қўқон шаҳрида<br><br>Андижон шаҳрида<br><br>Термиз шаҳрида<br><br>Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида | <br>2013 — 2016 йиллар<br><br>2013 — 2016 йиллар<br><br>2013 — 2017 йиллар<br><br>2013 — 2017 йиллар | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари | Осиё тараққиёт банки маблағларидан 41,9 млн АҚШ доллари миқдорида<br><br>Осиё тараққиёт банки маблағларидан 25,9 млн АҚШ доллари миқдорида<br><br>Осиё тараққиёт банки маблағларидан 18,5 млн АҚШ доллари миқдорида<br><br>Халқаро ривожланиш ассоциацияси маблағларидан 66,16 млн АҚШ доллари миқдорида | Қўқон шаҳридаги суткасига 62 минг куб метр сувни тозалаш қувватига эга тозалаш иншоотларини ва канализация тармоқларини (70 км) қайта таъмирлаш;<br>Андижон шаҳридаги суткасига 110 минг куб метр қувватга эга тозалаш иншоотларини қайта таъмирлаш, канализация тармоқларини қуриш ва қайта таъмирлаш;<br>Термиз шаҳридаги 18 км масофадаги канализация тармоқларини қайта таъмирлаш ва қуриш ва суткасига 25 минг куб метр қувватга эга тозалаш иншоотларини қайта таъмирлаш;<br>Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида тозалаш иншоотларини, насос станциялари ва канализация тармоқларини қайта таъмирлаш натижасида сув ва ер ресурслари ифлосланишининг олдини олиш. |
| 11. | Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг тозалаш иншоотларини қайта таъмирлаш. | 2013 — 2015 йиллар | «Ўзнефтмаҳсулот» АК | «Ўзнефтмаҳсулот» АК маблағларидан 12,5 млн евро миқдорида | Оқова сувларни тозалаш самарадорлигини ошириш, сув ресурсларининг ифлосланиши ва сифати ёмонлашувининг олдини олиш, сув таъминотининг айланиш ва такрорий тизимини татбиқ этиш йўли билан сув ресурсларини тежаш. |
| 12. | Қарши—Термиз участкасидаги темир йўлларни электрлаштириш. | 2013 — 2017 йиллар | «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси | «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси маблағларидан | Атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар ва буғли |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 167,73 млн АҚШ доллари миқдорида;<br>Хорижий инвестициялар маблағларидан 220,6 млн АҚШ доллари миқдорида | газлар миқдорини йилига 850 тоннагача қисқартириш. |
| 13. | 74 мингта автомобиль транспортини газ ёнилғисига (сиқилган табиий газ ва суюлтирилган нефть газига) ўтказишни ташкиллаштириш ва амалга ошириш. | 2013 — 2017 йиллар | Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, ихтиёрийлик асосида нодавлат юридик шахслар ва жисмоний шахслар | Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, ихтиёрийлик асосида нодавлат юридик шахслар ва жисмоний шахсларнинг маблағларидан 59200,0 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 11840 млн сўм;<br>2014 йилда — 11840 млн сўм;<br>2015 йилда — 11840 млн сўм;<br>2016 йилда — 11840 млн сўм;<br>2017 йилда — 11840 млн сўм. | Атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини йилига 5-8 минг тоннагача қисқартириш ва буғли газ ташламаларини қисқартириш. |
| 14. | 2012 — 2015 йиллар даврида Сайғоқларни муҳофаза қилиш, уларнинг бош сонини кўпайтириш ва барқарор ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги Келишувни амалга ошириш: | | | | Сайғоқлар популяциясини кўпайтириш, сақлаш ва уларнинг яшаш муҳитини таъминлаш. |
| | Устюрт текислигида сайғоқлар популяциясининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларни сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш; | 2013 — 2015 йиллар | Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти | Глобал экологик жамғарма (ГЭЖ)/БМТ ТД маблағларидан 1150 минг АҚШ доллари миқдорида, шу жумладан:<br>950 минг АҚШ доллари — ГЭЖ;<br>200 минг АҚШ доллари — БМТ ТД; | |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| | Устюрт текислигида «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонасини ташкил этиш; | 2013 — 2015 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Давбионазорат» инспекциясининг бюджетдан ташқари маблағларидан 90 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 30 млн сўм;<br>2014 йилда — 30 млн сўм;<br>2015 йилда — 30 млн сўм.<br><br>«Давбионазорат» инспекциясининг бюджетдан ташқари маблағларидан 45 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 15,0 млн сўм;<br>2014 йилда — 5,0 млн сўм;<br>2015 йилда — 15,0 млн сўм. | Фауна ва флоранинг камёб турларини, биологик ва ландшафт хилма-хиллигини муҳофаза қилиш.<br>2020 йилгача Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларини ривожлантириш Дастурига мувофиқ муҳофаза этиладиган табиий ҳудудни ташкил қилиш. |
| 15. | Угам-Чотқол давлат миллий табиат боғи (ДМТБ) таркибидаги ядро сифатида Пском қўриқхонасини ривожлантириш. | 2013-2014 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти | Угам-Чотқол ДМТБ бюджетдан ташқари маблағларидан 30 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 15,0 млн сўм;<br>2014 йилда — 15,0 млн сўм. | Фауна ва флоранинг камёб турларини, биологик ва ландшафт хилма-хиллигини муҳофаза қилиш.<br>Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофондини мақбуллаштириш ва яхшилаш. |
| 16. | Тарихий ва табиий маданият обидаларини термитлар ва бошқа ксилофаглар зараридан сақлаб қолишнинг экологик хавфсиз услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | 2013 — 2017 йиллар | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти, Термитларга қарши курашиш маркази | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маблағларидан 500,0 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 100 млн сўм;<br>2014 йилда — 100 млн сўм;<br>2015 йилда — 100 млн сўм;<br>2016 йилда — 100 млн сўм;<br>2017 йилда — 100 млн сўм. | Қадимий тарихий обидаларнинг табиий-маданий меросини (архитектура обидаларининг ёғочли конструкциялари, қадимий дарахтлар ва бошқа табиат объектларни) сақлаб қолиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| 17. | Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш: | | | | |
| | Хисор давлат қўриқхонаси | 2013 — 2017 йиллар | Хисор давлат қўриқхонаси, «Давбионазорат» инспекцияси | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси, «Давбионазорат» инспекцияси, маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари маблағларидан 300 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 60 млн сўм;<br>2014 йилда — 100 млн сўм;<br>2015 йилда — 50 млн сўм;<br>2016 йилда — 50 млн сўм;<br>2017 йилда — 40 млн сўм. | Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофондини мақбуллаштириш ва яхшилаш. |
| | «Жайрон» экомаркази | 2013 — 2017 йиллар | «Жайрон» экомаркази, «Давбионазорат» инспекцияси | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси, «Давбионазорат» инспекцияси маблағларидан 400 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 250 млн сўм;<br>2014 йилда — 75 млн сўм;<br>2015 йилда — 25 млн сўм;<br>2016 йилда — 25 млн сўм;<br>2017 йилда — 25 млн сўм. | Жайрон, Пржевальский отлари ва Қулонларнинг озуқа базасини таъминлаш ва популяциясини кўпайтириш, «Жайрон» экомарказининг қўшимча ҳудудини ўзлаштириш (24 минг га.ча). |
| 18. | Геологик табиат обидаларининг хатловини ўтказиш, уларни сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш бўйича каталог ва тавсиялар ишлаб чиқиш. | 2013 — 2015 йиллар | Давлат геология қўмитасининг «Давлат геология ахборот маркази», «Минерал ресурслар институти» | Ҳар йили ажратиладиган давлат бюджети маблағларидан 90 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 30 млн сўм;<br>2014 йилда — 30 млн сўм;<br>2015 йилда — 30 млн сўм. | Илмий, тарихий, маданий ва эстетик аҳамиятга эга бўлган ноёб геологик табиат обидалари тўғрисидаги ахборот базасини яратиш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| 19. | Ўсимлик дунёси давлат кадастрини юритишнинг асоси сифатида Ўзбекистоннинг ўсимлик дунёси генофондини баҳолаш. | 2013 — 2017 йиллар | «Давбионазорат» инспекцияси, Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти | «Давбионазорат» инспекциясининг бюджетдан ташқари маблағларидан 200 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 40 млн сўм;<br>2014 йилда — 40 млн сўм;<br>2015 йилда — 40 млн сўм;<br>2016 йилда — 40 млн сўм;<br>2017 йилда — 40 млн сўм. | Ўсимлик дунёси кадастрини юритишнинг илмий асосини яратиш учун Ўзбекистоннинг ўсимлик дунёси генофондини аниқлаш ва таркибини баҳолаш. |
| 20. | Балиқларнинг ноёб ва йўқолиб бораётган турларини кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиш («Аква-Тўдакўл» ҚК мисолида). | 2013 — 2015 йиллар | Фанлар академиясининг Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти, Хоразм Маъмун Академияси, «Аква-Тўдакўл» ҚК | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси, «Давбионазорат» инспекцияси, «Аква-Тўдакўл» ҚК маблағларидан 150 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 50 млн сўм;<br>2014 йилда — 50 млн сўм;<br>2015 йилда — 50 млн сўм. | Республиканинг табиий сув ҳавзаларида балиқларнинг ноёб ва йўқолиб бораётган турларини сақлаш ва кўпайтириш. |
| 21. | Овланадиган балиқлар асосий тўдаларининг ҳолатини баҳолаш ва овлашга рухсат этилган йиллик меъёрларини аниқлаш. | 2014 — 2017 йиллар | Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти, Фанлар академиясининг Қорақалпоқ минтақавий бўлимининг Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий-тадқиқот институти | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси, «Давбионазорат» инспекцияси маблағларидан 300 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2014 йилда — 70 млн сўм;<br>2015 йилда — 70 млн сўм;<br>2016 йилда — 80 млн сўм;<br>2017 йилда — 80 млн сўм. | Асосий овчиликка оид объектлар балиқ тўдаларининг ҳолатини (ов захираларини) баҳолаш услубини ишлаб чиқиш.<br>Аниқ сув ҳавзаларида балиқларнинг ов захираларини баҳолашни ўтказиш, натижалари бўйича балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадларида уларнинг йиллик овлашга рухсат этилган меъёрларини белгилаш. |
| 22. | Сунъий балиқ етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | 2014 — 2016 йиллар | Фанлар академиясининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси генофонди институти | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Давбионазорат» инспекциясининг бюджетдан ташқари маблағларидан 140,0 млн сўм, шу жумладан: | Айдар-Арнасой кўллар тизимидаги балиқ ресурсларини, балиқ хўжалиги сув ҳавзаларидаги балиқ билан интенсив бойитиш имкониятларини ошириш, аҳолини балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2014 йилда — 40,0 млн сўм; 2015 йилда — 45,0 млн сўм; 2016 йилда — 55,0 млн сўм. | |
| 23. | Ўзбекистон Республикасининг аҳоли яшаш жойларидаги яшил экинлар билан банд ҳудудларини, аҳолининг дам олиши учун рекреация (хордиқ) зоналарини ривожлантириш, республика шаҳарлари флорасини экологик самарали ва эстетик жалб қиладиган яшил кўчатлар билан бойитиш. | 2013 — 2017 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари | Маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари (табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини умумий йиллик молиялаштиришнинг 15 — 20% дан кам бўлмаган миқдорда), маҳаллий бюджет маблағлари | Аҳоли яшаш жойларидаги экологик ҳолатни соғломлаштириш, аҳолининг яшаши учун қулай шароитлар яратиш. |
| **II. Иқтисодиёт тармоқларини экологизациялаштириш, технологик жараёнлар ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш** | | | | | |
| 24. | «Фарғонаазот» ОАЖда карбамид ва аммиак селитраси ишлаб чиқаришини қайта таъмирлаш ва модернизациялаш. | 2013 — 2017 йиллар | «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Фарғонаазот» ОАЖ | «Фарғонаазот» ОАЖ маблағларидан 9,0 млн АҚШ доллари миқдорида, Қайта таъмирлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан 24,0 млн АҚШ доллари миқдорида, тижорат банкларининг 22,0 млн АҚШ доллар миқдоридаги кредитлари | Атмосфера ҳавосига ташланаётган азот оксиди ташламаларини йилига 149,3 тоннагача ва аммиакни йилига 16,3 тоннагача қисқартириш. |
| 25. | «Ўзметкомбинат» ОАЖда 1-сон «Сортопрокат» цехининг услубий иситиш печини қайта таъмирлаш. | 2013-2014 йиллар | «Ўзметкомбинат» ОАЖ | «Ўзметкомбинат» ОАЖ маблағларидан 6 млн АҚШ доллари миқдорида | Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ташламаларини йилига 90 тоннагача қисқартириш. |
| 26. | «Ўзметкомбинат» ОАЖда металл парчаларини қайта ишлаш бўйича «Копёр» цехини модернизациялаш. | 2013 йил | «Ўзметкомбинат» ОАЖ | «Ўзметкомбинат» ОАЖ маблағларидан 5,81 млн АҚШ доллари миқдорида | Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ташламаларини йилига 150 тоннагача қисқартириш. |
| 27. | «Ўзметкомбинат» ОАЖдаги вакуумлаштириш қурилмаси ва пўлатни комплекс қайта ишлаш агрегатида газ тозалаш жиҳозини қуриш ва фойдаланишга топшириш. | 2013-2014 йиллар | «Ўзметкомбинат» ОАЖ | «Ўзметкомбинат» ОАЖ маблағларидан 1,5 млн АҚШ доллари миқдорида | Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ташламаларини йилига 120 тоннагача қисқартириш. |
| 28. | Олмалиқ КМК ОАЖ ишлаб чиқаришида янги ва камчиқинди технологияларни жорий этиш ва мис эритиш заводида қуйидаги иккита объектни қу- | 2013 — 2017 йиллар | ОКМК ОАЖ | Жами 166,5 млн АҚШ доллари, шу жумладан: ОКЦ бўйича — | Мис эритиш печи комплекси ва олтингугурт кислотаси цехини фойдаланишга топшириш орқали атмо- |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| | риш йўли билан атроф-муҳит ифлосланишини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш:<br>янги олтингугурт кислотаси цехи (ОКЦ);<br><br>янги эритиш печи (ЭП). | | | 68,3 млн АҚШ доллари, шу жумладан:<br>ОКМК ОАЖ маблағларидан 26,3 млн АҚШ доллари миқдорида, Қайта таъмирлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан 30 млн АҚШ доллари миқдорида, тижорат банкларининг 12 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредитлари;<br><br>ЭП бўйича — 98,2 млн АҚШ доллари, шу жумладан:<br>ОКМК ОАЖ маблағларидан 25 млн АҚШ доллари миқдорида, Қайта таъмирлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан<br>60 млн АҚШ доллари миқдорида, тижорат банкларининг 13,2 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредитлари. | сфера ҳавосига олтингугурт оксидлари ташламаларини йилига 90 минг тоннагача қисқартириш. |
| 29. | 450 МВт. қувватли иккинчи буғ-газ қурилмасини қуриш орқали «Навоий ИЭС» ОАЖ ни кенгайтириш. | 2013 — 2015 йиллар | «Ўзбекэнерго» ДАК, «Навоий ИЭС» ОАЖ | «Ўзбекэнерго» ДАК, «Навоий ИЭС» ОАЖ ва Қайта таъмирлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан 496,0 млн АҚШ доллари миқдорида | Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ташламаларини йилига 5,6 тоннага қисқартириш. |
| 30. | «Шўртан ГКМ» УШК объектларида мавжуд олтингугурт олиш қурилмасини тўғридан-тўғри оксидлаш услуби билан модернизациялаш. | 2016 йил | «Шўртан ГКМ» УШК | «Шўртан ГКМ» УШК маблағларидан 2016 йилга 13,2 млн сўм миқдорида | Атмосфера ҳавосига ташланиши тахмин қилинаётган ифлослантирувчи моддалар ташламаларини йилига 7,6 минг тоннага қисқартириш. |
| 31. | «Шўртаннефтгаз» УШК объектларида йўлдош газларни дегазациялаш ва утиллаштириш қурилмасини қуриш. | 2013-2014 йиллар | «Шўртаннефтгаз» УШК | «Шўртаннефтгаз» УШК маблағларидан 2014 йилга 44,99 млн евро миқдорида | Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар ташламаларини йилига 148,6 минг тоннага қисқартириш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| 32. | Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи базасида гидрологик яхшилаш қурилмасини қуриш. | 2013-2014 йиллар | Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи | Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва инвесторларнинг маблағларидан 99 млн АҚШ доллари миқдорида | 500 минг тонна нефть ёғ фракцияларини қайта ишлаш. |
| 33. | Агрегатларни модернизация ва реконструкция қилиш:<br>Фарғона НҚИЗда;<br>Бухоро НҚИЗ. | 2014-2015 йиллар | Фарғона НҚИЗ;<br><br>Бухоро НҚИЗ. | Фарғона НҚИЗ ва инвесторлар маблағлари 100 млн АҚШ долл. миқдорида,<br>Бухоро НҚЗ ва инвесторлар маблағлари 100 млн АҚШ долл. миқдорида | Тиниқ нефть маҳсулотлари чиқишини 95% гача ошириш. |
| 34. | Олисдаги қишлоқ тиббиёт ва таълим муассасаларида қайта тикланувчан энергия манбаларини татбиқ қилиш. | 2013 — 2017 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг «Эко-энергия» ИТМ | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика ва маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари маблағлари 750 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 150 млн сўм;<br>2014 йилда — 150 млн сўм;<br>2015 йилда — 150 млн сўм;<br>2016 йилда — 150 млн сўм;<br>2017 йилда — 150 млн сўм. | Қайта тикланувчан энергия манбалари асосида қишлоқ тиббиёт ва таълим муассасаларини электр ва иссиқлик энергиялари билан таъминлаш. |
| 35. | «Ўзпахтасаноат» уюшмаси объектларида қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишга доир инновация техонологиясини татбиқ этиш. | 2013 — 2017 йиллар | «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, ҳудудий «Пахтаишлаб-чиқариш» акциядорлик бирлашмалари раҳбарлари, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг «Эко-энергия» ИТМ | Ҳудудий «Пахтаишлаб-чиқариш» акциядорлик бирлашмалари маблағларидан 2000 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 380 млн сўм;<br>2014 йилда — 380 млн сўм;<br>2015 йилда — 390 млн сўм;<br>2016 йилда — 400 млн сўм;<br>2017 йилда — 450 млн сўм. | «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг бир нечта ҳудудий ташкилотлари ва заводларини қайта тикланувчан электр манбалари ҳисобидан электр энергияси билан таъминлаш. |
| 36. | Тўқимачилик ишлаб чиқаришида оқова сувларни бўёқ моддаларидан чиқиндисиз тозалаш қурилмаларини татбиқ этиш. | 2013-2014 йиллар | «Ўзбекенгил-саноат» ДАК,<br>Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси | Жами 260 млн сўм, шу жумладан:<br>«Ўзбекенгилсаноат» ДАК маблағларидан 200 млн сўм миқдорида, | Сув объектларига ифлослантирувчи компонентлар ташламаларини камайтириш ва экологик вазиятни яхшилаш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 60 млн сўм миқдорида, шу жумладан: 2013 йилда — 160 млн сўм; 2014 йилда — 100 млн сўм. | |
| **III. Атроф-муҳитнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш** | | | | | |
| 37. | Наманган вилояти Поп туманидаги собиқ 23-кон ҳудудида экологик вазиятни соғломлаштириш. (3, 4, 5, 6, 7, 8-участкалар, ишлаб чиқариш қисми) | 2013 — 2017 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Капитал қурилиш бошқармаси | Инвестиция дастурига мувофиқ Давлат бюджети маблағларидан 5690 млн сўм миқдорида, шу жумладан: 2013 йилда — 1790 млн сўм; 2014 йилда — 1200 млн сўм; 2015 йилда — 1000 млн сўм; 2016 йилда — 1000 млн сўм; 2017 йилда — 700 млн сўм. | Экологик вазиятни яхшилаш, зарарланган участкага киришни чеклаш. |
| 38. | Тошкент вилояти Янгиобод шаҳарчасидаги собиқ 1-2-конлар ҳудудида экологик вазиятни соғломлаштириш (1-2-сон конлар темир йўл базасида). | 2013 йил | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Капитал қурилиш бошқармаси | 2013 йил Инвестиция дастурига мувофиқ Давлат бюджети маблағларидан 190 млн сўм. | Экологик вазиятни яхшилаш, зарарланган участкага киришни чеклаш. |
| 39. | НКМК ДК 1-сон Гидрометаллургия заводида заҳарли чиқинди сақлагичларни тиклаш. | 2013 — 2017 йиллар | НКМК ДК | НКМК ДК маблағларидан 9779,5 млн сўм миқдорида, шу жумладан: 2013йилда — 1422,025 млн сўм; 2014 йилда — 1649,549 млн сўм; 2015 йилда — 1913,476 млн сўм; 2016 йилда — 2209,633 млн сўм; 2017 йилда — 2574,774 млн сўм. | Захарли чиқиндиларни кўмиш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga





| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| 40. | НКМК ДК объектларида 1178 гектар майдонда бузилган ерларни рекультивация қилиш, шу жумладан:<br>Навоий вилоятида — 878 га;<br>Бухоро вилоятида — 300 га. | 2013 — 2017 йиллар | НКМК ДК | НКМК ДК маблағларидан 3006,10 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 1070,7 млн сўм;<br>2014 йилда — 1070,7 млн сўм;<br>2015 йилда — 478,7 млн сўм;<br>2016 йилда — 193,0 млн сўм;<br>2017 йилда — 193,0 млн сўм. | Ерларни фойдаланиш учун қайтариш. |
| 41. | Ангрен ва Янги-Ангрен ИЭС кул-шлакли чиқиндиларини утилизация қилиш. | 2013-2014 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзбекэнерго» ДАК | Жами 300 млн сўм, шундан:<br>Давлат бюджети маблағларидан 100 млн сўм миқдорида,<br>«Ўзбекэнерго» ДАК 100 млн сўм миқдорида,<br>Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармасидан 100 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 150 млн сўм;<br>2014 йилда — 150 млн сўм. | Кул-шлакли чиқиндиларни утилизация қилиш, экологик вазиятни яхшилаш. |
| 42. | «Ўзгеобурғунефтгаз» АК корхоналари фаолият юритаёган ерларда рекультивация ишларини амалга ошириш. | 2013 — 2017 йиллар | Ўзгеобурғунефтгаз» АК | «Ўзгеобурғунефтгаз» АК маблағларидан 460 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 88,0 млн сўм;<br>2014 йилда — 90,0 млн сўм;<br>2015 йилда — 92,0 млн сўм;<br>2016 йилда — 94,0 млн сўм;<br>2017 йилда — 96,0 млн сўм. | Рекультивация ишларини амалга ошириш ва 593 гектар ерни фойдаланишга қайтариш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| 43. | Таркибида симоб бўлган лампа ва асбобларни йиғиш ва демеркуризациялашни ташкил қилиш (йилига 500 минг донадан кам бўлмаган миқдорда). | 2013 — 2017 йиллар | Вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар ва нодавлат юридик шахслар ҳамда жисмоний шахслар, ихтиёрий равишда | Вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, шунингдек хусусий секторларнинг ихтиёрий асосдаги маблағлари — 1000 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 200 млн сўм;<br>2014 йилда — 200 млн сўм;<br>2015 йилда — 200 млн сўм;<br>2016 йилда — 200 млн сўм;<br>2017 йилда — 200 млн сўм. | Чиқиндиларни утилизация қилиш. |
| 44. | «Қалмоқир» конининг балансдан ташқари маъданлари уюмларини қайта ишлаш. | 2013 — 2015 йиллар | ОКМК ОАЖ | ОКМК ОАЖ маблағлари — 44,7 млн АҚШ доллари миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 810,0 минг АҚШ доллари;<br>2014 йилда — 18872,0 минг АҚШ доллари;<br>2015 йилда — 25018 минг АҚШ доллари. | Балансдан ташқари маъданлар уюмларини йилига 4 млн тоннага камайтириш. |
| 45. | Заҳарли кимёвий ва токсик моддалар кўмилган махсус полигонлардаги ерларни рекультивациялаш орқали экологик вазиятни соғломлаштириш. | 2013 — 2017 йиллар | «Ўзкимёсаноат» ДАК, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси | «Ўзкимёсаноат» ДАК ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари | Заҳарли кимёвий моддалар кўмилган ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш. |
| 46. | Чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш. | 2013 — 2017 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари | Табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармалари маблағлари (табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ҳар йиллик умумий молиялаштиришнинг камида 10 — 15% миқдорида) | Хом ашё ресурсларини халқ хўжалиги айланмасига қайтариш, атроф-муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланишини камайтириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| **IV. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш, экологик таълим ва барқарор ривожланиш мақсадларида таълим доирасидаги қонунчиликни ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш** | | | | | |
| 47. | «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонундан ишлаб чиқариш мақсадларида атмосфера ҳавоси истеъмолига оид қоидалар чиқарилишини (9-модда) ҳамда ҳаво истеъмолига оид 13, 25, 26-моддаларга, шунингдек 11, 12, 18, 19-моддаларга тегишли ўзгартишлар киритилишини назарда тутувчи «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасидаги халқаро талабларни ҳисобга олувчи қўшимча меъёрларни киритиш. | 2014 — 2016 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ИИВ, «Ўзгидромет» маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбекнефтгаз» МХК, ОКМК ОАЖ, НКМК ДК, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар | —<br>— | Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш. |
| 48. | Экологик меъёрлаштириш тизимини соддалаштириш ва тартибга солишни назарда тутувчи, экологик меъёрлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш. | 2013 йил | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси | — | Экологик меъёрлаштириш тизимини соддалаштириш ва тартибга солиш. |
| 49. | Ҳужжатларни расмийлаштириш ва кўриб чиқиш, аризачи-ташкилотлар мурожаатларини ўрганиш тартибини белгилайдиган, турли эҳтиёжлар учун сув қудуқлари қурилишида рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш. | 2013-2014 йиллар | Давлат геология қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги | —<br>— | Ер ости сувларидан фойдаланишни тартибга солиш, уларни ифлосланишдан ва оқилона фойдаланилиши устидан назоратни кучайтиришни таъминлаш. |
| 50. | Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича халқаро келишувлар талабларига мувофиқ, атмосфера ҳавоси таркибидаги аниқланадиган ингредиентлар рўйхатини кенгайтиришни назарда тутувчи «Атмосфера ҳавосидаги майда дисперсли қаттиқ заррачаларни (РМ10 ва РМ2,5) аниқлаш услубиёти» меъёрий ҳужжатини ишлаб чиқиш. | 2013 — 2015 йиллар | «Ўзгидромет» маркази | —<br>— | Атмосфера ҳавоси таркибидаги аниқланадиган ингредиентлар рўйхатини кенгайтириш ва уларнинг атмосфера ҳавосидаги миқдори назоратини ташкил қилиш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| 51. | Экологик сертификатлаштириш тизимини ривожлантириш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, хусусан: | | | | Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот стандартларига экологик талабларни жорий қилиш, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ маҳсулотларни экологик хавфсизлик белгиси билан тамғалаш тизимини ривожлантиришни таъминлаш.<br>Технологик жараёнлар ва хизматларни экологик сертификатлашдан ўтказишни тартибга солиш ва унинг ягона қоидаларини белгилаш. |
| | Ишлаб чиқариш тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг экологик хавфсизлигини тасдиқлаш тамойили ва талабларини белгилайдиган маҳсулотнинг экологик хавфсизлигини тасдиқлаш мезонларини; | 2013 — 2015 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Бошдавэкосертификат» бошқармаси | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 15.0 млн сўм миқдорида | |
| | Ўзбекистон Республикасида маҳсулот ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларни экологик сертификатлашдан ўтказишга қўйиладиган талабларни белгилайдиган, технологик жараёнларни экологик сертификатлашдан ўтказиш Қоидаларини; | 2013 йил | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Бошдавэкосертификат» бошқармаси | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 8.0 млн сўм миқдорида | |
| | Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига мувофиқ, хизматларни экологик сертификатлаштиришдан ўтказишга қўйиладиган талабларни белгилайдиган, хизматларни экологик сертфикатлаштиришдан ўтказиш Қоидаларини ишлаб чиқиш. | 2013 йил | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Бошдавэкосертификат» бошқармаси | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 7.0 млн сўм миқдорида | |
| 52. | «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни таъминлаш мақсадида қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш:<br>Давлат экологик назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш тартиби ҳақидаги намунавий низом;<br>Экологик хизмат тўғрисидаги намунавий низом;<br>Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисидаги низом. | 2013-2014 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВВ, «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, ИИВ ва бошқа ташкилотлар | — | «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни меъёрларини амалга ошириш учун меъёрий ҳужжатларни яратиш. |
| 53. | Барқарор ривожланиш мақсадларида таълим (БРТ) бўйича БМТ Европа иқтисодий комиссияси Стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Концепциясини амалга ошириш. | 2013 — 2017 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг БРТ бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ИМК) | — | Барқарор ривожланишни таъминлашда ўқувчи ва ўқитувчилар хабардорлигини ошириш ва иштирокини фаоллаштириш. |

WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| 54. | Барқарор ривожланиш мақсадларида таълим бўйича «Яшил мактаблар», «Мактаб маҳаллий кун тартиби-21», «Яшил истеъмолчи» ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш борасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш. | 2013 — 2017 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси | — | Яшил мактабларни сертификатлаштириш, мактабларда мақбул табиатдан фойдаланишга эришиш, маҳаллий экологик муаммоларни ечишда ўқувчиларни фаоллаштириш. |
| 55. | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида БРТ бўйича Ўқув-услубий марказни ташкил этиш. | 2013-2014 йиллар | Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | — | БРТ доирасида давлат таълим сиёсатини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш. |
| 56. | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тизими ходимларининг ҳамда меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг экологик хизматлари ходимларининг касбий малакаларини ошириш мақсадида Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурида ўқув марказини ташкил қилиш. | 2013-2014 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси | — | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тизими ходимларининг ҳамда меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг экологик хизматлари ходимларининг касбий малакаларини ошириш. |
| 57. | Барқарор ривожланиш мақсадларида таълим бўйича дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, ўқув материали, ўқув фильмлари, мультимедиа-материалларини тайёрлаш ва нашр этиш. | 2013 — 2017 йиллар | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ИМК, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | — | Олий ва ўрта махсус, касб таълими ва кадрлар малакасини ошириш курслари тизимини айрим ўқув материаллари билан таъминлаш. |
| 58. | «Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби»нинг навбатдаги иккита томини;<br><br>«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» фотоальбом китобини тайёрлаш ва нашр этиш. | 2013-2014 йиллар<br><br>2013 — 2015 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Давбионазорат», «Чинор ЭНК» экологик нашриёт компанияси | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 50 — 70 млн сўм.<br><br>Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 45 млн сўм миқдорида | Экологик тарбия, таълим тизимини ривожлантириш, экологик билимларни тарғиб қилиш ва аҳоли хабардорлигини ошириш. |



WWW.LEX.UZ

| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| 59. | Барқарор ривожланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш. | 2013 — 2017 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, МТРК, ЎзА, ОАВ таҳририятлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ННТ | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги Республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағларидан 75 млн сўм миқдорида, шу жумладан:<br>2013 йилда — 15 млн сўм;<br>2014 йилда — 15 млн сўм;<br>2015 йилда — 15 млн сўм;<br>2016 йилда — 15 млн сўм;<br>2017 йилда — 15 млн сўм. | Жамоатчиликнинг экологик билимини ошириш ва уни атроф-муҳит муҳофазаси жараёнига жалб қилиш. |
| | **V. Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш ва табиий муҳитнинг трансчегаравий ифлосланишининг олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш** | | | | |
| 60. | ГЭЖ/БМТТДнинг 2030 йилга келиб Ўзбекистонда ГХФУни истеъмолдан чиқаришга қаратилган «Иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган мамлакатлар минтақасида гидрохлорфтор-углерод (ГХФУ)ларни дастлаб жадал тарзда қисқартирилишини бажариш» лойиҳасини Ўзбекистонда амалга ошириш. | 2013 — 2015 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси,<br>Давлат божхона қўмитаси ва бошқа ташкилотлар | Идоралар ва бошқа ташкилотларнинг натура ва пул шаклидаги маблағлари — 4900,0 минг АҚШ доллари, ГЭЖ маблағлари 1637,497 минг АҚШ доллари миқдорида, шу жумладан:<br>БМТТД маблағлари — 200 минг АҚШ доллари миқдорида | Озон қатламини емирувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқиш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш.<br>Монреал протоколи талабларига риоя қилиш. |
| 61. | Биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стартегия ва Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш (янги таҳрирда). | 2013-2014 йиллар | «Давбионазорат» | ГЭЖ маблағлари — 220 минг АҚШ доллари миқдорида | 2020 йилгача бўлган даврда биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стартегия ва Ҳаракатлар режасига Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларини киритиш. |
| 62. | БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг Учинчи миллий ахборотини тайёрлаш. | 2013-2014 йиллар | «Ўзгидромет» | ГЭЖ маблағлари — 480 минг АҚШ доллари миқдорида | Мамлакат ривожланишининг турли сценарийларида буғли газлар ташламаларининг ҳозирги ҳолати ва башорат кўрсаткичларини баҳолаш. |
| 63. | Асосан сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойи сифатидаги, халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқлик ерлари тўғрисидаги Конвенциянинг | 2013-2014 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси | Рамсар Конвенцияси Котибияти маблағлари — 23,9 минг швейцария | Халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқлик ерлари рўйхатига Куйимозор ва Тўдакўл сув омборлари- |



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga





| Т/р | Тадбирлар мазмуни | Бажариш муддатлари | Масъул бажарувчилар | Молиялаштириш манбалари | Кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|---|
| | (Рамсар конвенцияси) сув-ботқоқлик ерлари халқаро рўйхатига Қуйимозор ва Тўдакўл сув омборларини киритиш. | | | франки миқдорида. | нинг киритилганлиги ҳақидаги сертификатни олиш. |
| 64. | Ўзбекистон Республикасида кимёвий моддаларни халқаро тартибга солишга Стратегик ёндашувни жорий қилиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш. | 2013 йил | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» ДАК | Стратегик ёндошувнинг тез жавоб қайтариш жамғармаси ва ЮНИТАР маблағлари — 10 минг АҚШ доллари миқдорида | Мамлакатда кимёвий моддаларни бошқариш тизимини ривожлантириш, кимёвий моддаларнинг атроф-муҳитга ва аҳоли соғлиғига салбий таъсирини камайтириш. |
| 65. | Ўзбекистон Республикасининг БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг Атроф-муҳитга трансчегаравий жиҳатдан таъсир кўрсатишни баҳолаш тўғрисидаги Конвенциясига қўшилишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани ўрганиш. | 2013-2014 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар | — | Ўзбекистон Республикасининг БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг Атроф-муҳитга трансчегаравий жиҳатдан таъсир кўрсатишни баҳолаш тўғрисидаги Конвенциясига қўшилиши ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун асослаш. |
| 66. | Ўзбекистон Республикасининг Турғун органик ифлослантирувчилар тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани ўрганиш. | 2013-2014 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар | — | Ўзбекистон Республикасининг Турғун органик ифлослантирувчилар тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши масаласини кўриб чиқиш учун асослаш. |
| 67. | Ўзбекистон Республикасининг Ҳавонинг катта масофаларга трансчегаравий ифлосланиши тўғрисидаги Конвенцияга ва Европада ҳаво ифлослантирувчилари катта масофаларга тарқалиши мониторинги ва баҳолашнинг биргаликдаги дастурини узоқ муддатли молиялаш тўғрисидаги Протоколга қўшилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масалани ўрганиш. | 2015 — 2017 йиллар | Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар | — | Ўзбекистон Республикасининг Конвенцияга қўшилиши ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун асослаш, манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар билан келишилган ҳолда. |
| 68. | Майли-Сув, Шоҳимардонсой, Сумсар дарёлари водийларида жойлашган ишлаб чиқариш чиқиндилари сақлагичларининг атроф-муҳит ва одамлар соғлиғига трансчегаравий таъсири устидан назорат. | 2015 — 2017 йиллар | Давлат геология қўмитасининг «Гидроингео институти» ДК, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, ФВВ | Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлардан 600 млн сўм, шу жумладан:<br>2013 йилда — 120 млн сўм;<br>2014 йилда — 120 млн сўм;<br>2015 йилда — 120 млн сўм;<br>2016 йилда — 120 млн сўм;<br>2017 йилда — 120 млн сўм. | Табиатни муҳофаза қилиш комплекс тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида трансчегаравий объектларнинг ер ости сувлари конларига таъсир кўрсатиш хусусиятини аниқлаш ва баҳолаш. |

WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 3 iyun holatuga



Эслатма: тадбирларни амалга оширишга жами 89,39 млрд сўм, 1635,55 млн АҚШ доллари ва 57,63 млн евро миқдорида маблағлар ажратилиши назарда тутилган, шу жумладан:

давлат бюджети маблағлари — қарийб 10,12 млрд сўм миқдорида;

вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, Ўзбекистон ривожланиш ва тараққиёт жамғармаси, банклар кредитлари, шунингдек жисмоний шахслар ва нодавлат юридик шахслар (ихтиёрий равишда) маблағлари — 79,27 млрд сўм, 1247,14 млн АҚШ доллари ва 57,49 млн еврога яқин, шу жумладан, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 3,0 млрд сўм маблағлари билан бирга;

чет эл инвестициялари ва бошқа халқаро манбаларда — 388,41 млн АҚШ доллари ва 140 минг евро, шу жумладан, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига халқаро грантлар 3,52 млн АҚШ доллари ва 140 минг евро билан бирга.



WWW.LEX.UZ